

## **Мақолларда дәхқонлар ҳаётининг бадиий талқини**

**Тўраева Лайло Омоновна**

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Дәхқонлар ҳаёти билан боғлиқ эътиқодий қарашилар, манзарадар халқ мақолларида ўзига хос шаклда бадиий ифода этилганлиги кузатилади. Жумладан, “Ўзбек халқ ижоди” сериясидаги кўп томликнинг “Ўзбек халқ мақоллари” китобида дәхқончилик ҳақида ёзиб олинган юздан ортиқ мақоллар чоп этилган бўлиб, уларда дәхқоннинг ўз меҳнатига садоқати ва муҳаббати, унинг меҳнаткашлиги, интилувчанлиги, фидоийлиги улуғланади. Ушбу мақолада ўзбек халқ мақолларининг дәхқонлар ҳаёти билан боғлиқ талқинлари баён этилади.

**Калит сўзлар:** Мақол, дәхқончилик касби, эътиқодий қарашилар, мифологик инончлар, “омоч”, “мола”, “қўш”.

Дәхқонлар ҳаёти билан боғлиқ эътиқодий қарашилар, манзарадар халқ мақолларида ўзига хос шаклда бадиий ифода этилганлиги кузатилади. Жумладан, “Ўзбек халқ ижоди” сериясидаги кўп томликнинг “Ўзбек халқ мақоллари” китобида дәхқончилик ҳақида ёзиб олинган юздан ортиқ мақоллар чоп этилган.<sup>1</sup> Уларда дәхқоннинг ўз меҳнатига садоқати ва муҳаббати, унинг меҳнаткашлиги, интилувчанлиги, фидоийлиги улуғланади.

Дәхқон халқ орасида “ернинг султони” дея таърифланади. Бу таъриф халқ мақолларига ҳам сингдирилган:

Дәхқон – ер султони

Чўпон – яйлов султони.

Мақолларда дәхқончилик касбига муносабат алоҳида ўрин тутади. Бу муносабат кўпинча дәхқон образини таърифлаш асосида очиб берилади. Уларда дәхқон, асосан, шерга қиёсланади:

Ўрмонга шер ярашар, дәхқонга ер ярашар.

Ушбу мақолда дәхқон образи шер образи билан бежиз тенглаштирилмаётир. Зоро, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда шер ўрмон подшоси сифатида талқин қилиниши маълум. Мақолларда дәхқон ер султони сифатида образлантирилар экан, шу нуқтада уларнинг ўзаро қиёсий жуфтлик ҳосил қила олиши кузатилади.

Дәхқонлар халқ хизматидаги кишилар ҳисобланади. Улар ўз умрини халқ манфаатига бағишлишади. Ёзда иссиқ демай, қишида совуқ демай, даласига қарайди. Шунинг учун халқ мақолларида “Дәхқон - бағри қон” дея тавсифланади.

Дәхқоннинг ҳаётини ерсиз ва сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу ҳақиқат халқ мақолларида: “Дәхқоннинг хазинаси – ер, калити – тер”, “Ер - дәхқоннинг хазинаси”, “Ер – дон, дәхқон – хазинабон”, “Зар бўлмаса заргар – хароб”, “Ер бўлмаса дәхқон хароб”, “Ер – хазина, сув – гавҳар”, “Хосилнинг отаси - сув, Онаси –ер” дея алоҳида таъкидланади.

Умуман айтганда, мақолларда эътироф этилганидек, “Дәхқоннинг ризқи ер билан кучига боғлиқ”. У ерга тўғри ишлов бера олсагина, мўл ҳосил олишга эришади. Бу ҳақда халқ мақолларида шундай дейилади: “Ер текис – ҳосил текис”, “Дәхқон бўлсанг, шудгор қил”, “Ер – хамир, ўғит – хамиртуруш”, “Ер чарчаса, ҳосил бермас”, “Ер қудрати – дәхқон қуввати”, “Эрта эккан бутун олар, кечга қолган ўтин”, “Қавсда эккунча қовурмоч қил”. Бу мақоллар мазмунидан сезилиб турибди, дәхқон ерни ўз вақтида тўғри парваришлаши, уни кечиктирмай шудгор қилиши, текислаши, суғориши, ўғитлаши лозим. Шундагина ер кучга кириб, мўл ҳосил беради. Айни пайтда “Ерга меҳр – элга меҳр”га айланади. Акс ҳолда, дәхқонни яхши дәхқон деб бўлмайди. Шунинг учун халқ орасида

<sup>1</sup> Ўзбек халқ мақоллари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Т.: FACH, 1989, 462-471-бетлар.

ёмон дәхқонни танқид қилувчи мақоллар ҳам учрайди. “Ёмон дәхқон ер қўрип, Ёмон хотин – эр” мақоли шулар жумласидандир.

Дәхқончилик сермашаққат касб бўлганлиги учун халқ уни бошқа касблардан бирмунча устун қўйиши сезилади. Шунинг учун халқ мақолларида “Косибнинг қўлидан дәхқоннинг оёғи ҳалол”, “Овчининг зўри шер отар, Дәхқоннинг зўри ер очар” дея таърифлар айтилади.

Курғоқчилик, сувсизлик дәхқоннинг асосий душманидир. Шунинг учун мақолларда:

Дәхқончилик – чилик-чилик,

Бўлмаса, қуруқчилик, - дейилади.

Дәхқон халқни нон, ризқ-рўз билан таъминлайдиган касб соҳибидир. Улар халқка ризқ-рўз етказадилар. Шунинг учун мақолларда бунга алоҳида урғу берилади:

Дәхқон ишлаб дон сочар,

Элга ризқ йўлини очар.

Ёки:

Дәхқон одам дон сочар,

Эл юргига нон сочар.

Дәхқонлар орасида ҳўқиз муқаддас ҳайвон сифатида қадрланган. Аждодларимиз бу жониворни одамларга ҳомий, бало-қазолардан сақлаш хусусиятига эга деб тасаввур қилганлар. Шу эътиқодий қарашлар, мифологик инончлар ҳўқизни боқувчи ҳамда ўз иш фаолиятида, турмуш тарзида ундей фойдаланувчи кишиларга нисбатан эътиқодий муносабатда бўлишга олиб келган. Дәхқон ҳўқиз кучидан кенг фойдаланган. Шунинг учун уни ўзига ҳомий, ёрдамчи деб қараган. Шу сабабли дәхқончилик мавзуидаги мақолларда ҳўқиз образига алоҳида эътибор қаратилади:

Дәхқоннинг уйи кўйса, кўйсин,

Ҳўқизи ўлмасин.

Ёки:

Дәхқоннинг ўзи касал бўлса ҳам,  
Ҳўқизи касал бўлмасин.

Ушбу мақоллар мазмунидан ҳўқиз дәхқоннинг иш жараёнида энг муҳим восита эканлигини, усиз дәхқоннинг иши унмаслигини англаш мумкин.

Халқнинг дәхқонларнинг заҳматкашлигига нисбатан ҳурмат-эътибори мақолларда алоҳида кўзга ташланади:

Дәхқон ётганда тинар,  
Чўпон ўлганда.

Ёки:

Дәхқон қорда тинар,

Чўпон гўрда, каби дәхқон меҳнатини, турмуш тарзини талқин қилувчи мақоллар бир талай. Уларнинг мазмунидан билиниб турибдики, дәхқон ҳаётининг кўп қисми меҳнат жараёнида, иш устида кечади.

Дәхқончилик ўзига хос машаққатли касб. Дәхқонлар узоқ вақт далада, қуёш тифи остида меҳнат қиласидилар. Ёзниг жазирама иссиғини еб, машаққат тортадилар. Шу ҳаётий воқеликка ишоралар халқ мақолларида бўртиб кўриниб туради.

Айрим мақолларда дәхқон экадиган экин ва дон турлари орқали дәхқончилик касбига муносабат ифода этилган. Жумладан, “Арпага – ўрим, буғдойга – кўрим”, “Бир йил тариқ эксанг, бир йил шудгор қил”, “Жавдар жойига тушса, буғдой бўлар, Буғдой жойига тушмаса, жавдар бўлар”, “Жўхори чангда битар, тариқ – балчикда”, “Пахтадан эчки ўтсин, жўхоридан – тую” сингари мақоллар бунга мисол бўла олади.

Ана шу дон турларини экаётган дәхқон унинг уруғи сифатига алоҳида аҳамият қаратмоғи лозим. Негаки, мақолларда таъкидланганидек: “Сара уруғ – ҳосили бўлуг”, –дейдилар.

Дәхқончилик мавзууда яратилган мақолларда бу касбга тегишли тушунчалар, иш қуролларининг номи, образи ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан:

Омоч сени тўйдиргай,

Омборингни тўлдиргай.

Ёки:

Омочнинг ўн боргани –  
Моланинг бир боргани.

Яна:

Қўш ҳайдаган хўп бўлар,  
Ўз ишини кўп билар.

Ушбу мақолларда қўлланаётган “омоч”, “мола”, “қўш” сўзлари ҳозирги тилимиз учун эскирган тарихий сўзлардир. Ўтмишда дехқонлар ерни омоч қўшилган қўш (хўкизлар), мола сингари мосламалар ёрдамида ҳайдаганлар. Ҳозирги пайтда эса дехқонлар ерни тракторлар ёрдамида ҳайдамоқдалар. Шундай бўлса-да, ўтмишда яратилган дехқончилик ҳақидаги қўшиқ ва мақолларда бу сўзлар сақланиб келмоқда.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳалқ орасида дехқонларга нисбатан алоҳида хурмат-эътибор шаклланган бўлиб, мақолларда бунинг ёрқин бадиий ифодасини кузатиш мумкин.

Дехқонлар ҳаёти ва меҳнат тарзига хос бўлган тушунчалар, нарсалар, бу касб билан боғлиқ ириму эътиқодлар, тажрибалар ҳамда билимлар дехқонлар ҳақида ва дехқонлар томонидан яратилган мақолларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Уларни ўрганиш орқали дехқонлар ҳаётининг ўзига хос томонларини билиб олиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – Т. 4. – С. 170-174.
2. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS// Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.
3. Turaeva U. R. The Scientific Value Of Research On Mirmukhsin Fikriy //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 08. – С. 583-589.
4. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – С. 139-141.
5. Муродов Г. Н., Шамсиддинова С. Б. ЭНКИДУ И КОРАДЖОН-СИМВОЛ ДРУЖБЫ //European Scientific Conference. – 2020. – С. 189-191.
6. Муродов Г., Сайдова Р. Интерпретация терминов и их анализ //Молодой ученый. – 2017. – №. 13. – С. 703-705.
7. EŞONKULOV H. ALİ ŞİİR NEVAÎ GAZALLERİNDEKİ SIR TUTMAKLA İLGİLİ DÜŞÜNCELERİN İRFANI ANLAMLARI HUSUSUNDA //Electronic Turkish Studies. – 2018. – Т. 13. – №. 28.
8. Axmedova S. THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM //Конференции. – 2021.
9. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).
10. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – Т. 5. – №. 2. – С. 32-35.
11. Safarova H. “HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!”... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
12. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
13. Jurayevna B. N. A WORTHY RESPONSE TO HAFIZ'S GHAZAL //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 227.
14. Amonova Z. CONFLICT INTERPRETATION IN CLASSICAL LITERATURE //Конференции. – 2020.